Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 28-mart, shanba, № 40 (3545)

Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасидан

ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ

Эртага Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида округ сайлов комиссиялари раислари ва аъзолари, халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлатлар кузатувчилари, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида кенгайтирилган онлайн мажлис бўлиб ўтди.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК НИҲОЯСИГА ЕТМОҚДА

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти мониторинги натижалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурини амалга ошириш доирасидаги вазифалар ижроси кўриб чиқилди.

Сайлов қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотини олиб боришда, жумладан, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланишда тенг шароитлар билан таъминланаётгани таъкидланди.

●○●●▶ 2

ЎзА сурати

▽ Сўз — халқаро кузатувчиларга

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш учун келган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари, экспертлар сайловга қўрилган тайёргарлик, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар билан танишмоқда. ЎзА мухбирлари уларнинг фикрлари билан қизиқди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР МУСТАҲКАМ ҚАРОР ТОПГАН

Димитриос БАКОЛАС, "European Profiles S.A." компанияси президенти, "Греция — Ўзбекистон" дўстлик жамияти раиси (Греция):

— Ўзбекистон билан савдо, саноат ва бошқа кўплаб соҳаларда ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Қўшма лойиҳаларимиз бугунги кунда ўз самараларини бераётганини кўриш жуда қувонарлидир.

Мамлакатингизда барча соҳаларни изчил демократлаштириш доирасида миллий сайлов қонунчилиги ҳам такомиллаштирилмоқда. Жамиятни эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар одамлар дунёқарашини, турмуш даражасини юксалтирмоқда, аҳолининг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаётир.

Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли тўғри ва самарадор эканини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Саноат, қурилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, автомобил ва темир йўл инфратузилмасини модернизация қилиш, қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантириш каби кўплаб соҳаларда салмоқли натижаларга эришилаётгани диққатга сазовор. Буларнинг барчаси мамлакатингизда иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича самарали давлат сиёсати олиб борилаётганидан далолатдир.

Нор Фарида бинти АБДУЛ РАШИД, халқаро кузатувчи (Малайзия):

— Ўзбекистон ғоят гўзал мамлакат. Юртингизга, одамларингизга меҳрим баланд. Халқингиз билан биргаликда Наврўз айёмини нишонлаш бахтига муяссар бўлганимдан бахтиёрман.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар, эришилаётган катта муваффақиятлар таҳсинга сазовор. Айниқса, юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси онгу шуурига сингган Ўзбекистон ёшларига ҳавасим келди. Бу 2014 йилда мамлакатингизда ўтказилган парламент сайловида овоз бериш жараёнларида яққол кўзга ташланди. Президент сайловида ҳам ёшлар фаол иштирок этишига ишонаман.

Хесус Хил ФУЕНСЕНТА, Комплутенсе университети профессори, Археологлар уюшмаси бош котиби (Испания):

— Ўзбекистон ҳақида кўп эшитганман, ўқиганман. Тошкент ва Самарқандни томоша қилиб, қадимий ва бой маданиятингиз, миллий урф-одатларингиз билан танишиб, мамлакатингизга мафтун бўлиб қолдим. Ўзбекистон тарихи давлат музейи менда катта таассурот қолдирди. У ердаги археологик, этнографик, нумизматик экспонатлар, нодир буюмлар, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш ва уни мустаҳкамлаш йўлидаги тарихий қадамларига оид фотосуратлар, ҳужжатлар билан танишиб, халқингизнинг ўтмиши бой, келажаги буюк эканига ишонч ҳосил қилдим.

Қадимий шаҳарларингиздаги обидаларни асраб-авайлаш, буюк аждодларингизнинг бебаҳо меросини ўрганиш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар таҳсинга лойиқ. Зеро, бу мерос бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайловлар юксак савияда ўтиши учун барча зарур ишларни амалга оширмоқда. Мамлакатингизда Президент сайлови кўппартиявийлик асосида ўтаётгани, Президент очиқ-ошкора сайловларда халқ томонидан сайланиши Ўзбекистонда демократик тамойиллар мустаҳкам қарор топганидан далолатдир.

Геральд УЙБЕРШЕР, халқаро кузатувчи (Германия):

— Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бўлдим. Нукус шаҳрида И.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат музейида сақланаётган дурдона асарлар билан танишиш имконига эга бўлганимдан хурсандман. У ердаги ноёб экспозициялар ўз жозибаси билан менда катта таассурот қолдирди.

Қадимий ва бой маданияти, гўзал ва бетакрор обидалари, ноёб осориатиқалари билан дунёга донг таратган Хива шаҳрини зиёрат қилдим. Айниқса, Ичан-қалъа мажмуасида бўлганимда ўзимни гўё эртаклар оламига тушиб қолгандек ҳис этдим. Буюк аллома, алгебра фани асосчиси Ал-Хоразмийнинг юрти Хоразм воҳасида бўлганимдан бахтиёрман. Азалдан илм-фан ўчоғи бўлган, улуғ сиймолар Ватани Ўзбекистонда таълим соҳаси, ёшлар тарбиясига қаратилаётган эътибор ўтмишдаги буюк ишлар бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилаётганидан далолат беради.

ЎзА мухбирлари Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига Андижон шаҳридаги 35-сайлов участкасида пухта тараддуд кўрилди.

ПУХТА ТАРАДДУД

Сайлов участкаси зарур жиҳозлар, техник ва алоқа техник воситалари, ҳуқуқий адабиётлар билан тўлиқ таъминланди. Овоз бериш, она ва бола, тиббиёт ҳоналари белгиланган тартибда жиҳозланди. Махсус стендларда номзодлар ҳақидаги маълумотлар, сайловчилар рўйхати шакллантирилди.

Айни кунга қадар овоз берувчиларни сайлов қонунчилиги ҳақида батафсил хабардор этиш мақсадида тарғиботчилар, мутахассислар иштирокида бир неча бор учрашув ва давра суҳбати, семинарлар ўтказилди. Тадбирларда асосий эътибор "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида", "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунлар ва сайловга оид бошқа меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятига қаратилди.

Участка сайлов комиссияси раиси Нортожихон Эралиеванинг таъкидлашича, рўйхатга олинган 2999 нафар сайловчининг 10 нафари ногирон, 67 нафари эса қариялардир. Шу боис сайлов куни уларнинг ўз уйида овоз беришларига имконият яратиш мақсадида автомашиналар, кўчма қутилар тайёрлаб қўйилди. Сайловда 13 нафар йигит-қиз илк бор иштирок этмоқда.

— 29 март куни 18 ёшга тўламан, — дейди Зубайда Муҳаммедова. — Эртанги кунимиз, Ватанимиз тақдири учун ҳар бир сайловчининг овози муҳим эканлигини ҳис этдим. Номзодларнинг дастурлари билан яқиндан танишдим. Энг мўносиб номзодга овоз бераман.

Нурилло НЎЪМОНОВ, "Ishonch" мухбири

Суратда: *участка сайлов комиссиясида.*

Рустамжон ЭШОНОВ олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Президент сайловини кузатиш учун мамлакатимизга келган Россия Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши раисининг ўринбосари Иляс Умаханов билан учрашув бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ ХАЛҚАРО МЕЗОНЛАРГА МОС

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистоннинг эртанги куни, истиқболини белгилаб берадиган, сиёсий ҳамда иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим стратегик дастурига айланди. Мазкур ҳужжат доирасида қабул қилинган қонунлар давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигини, сўз ва ахборот ҳамда сайлов эркинлигини таъминлаш, сайлов тизими ва фуқаролик институтларини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорлик ривожланиб бораётгани таъкидланди.

— Президент сайлови мамлакатингиз истиқболи, иқтисодий-маънавий тараққиётининг бардавомлигини белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этади, — дейди Иляс Умаханов. — Сайлов жараёнида жаҳоннинг турли мамлакатларидан уч юздан ортиқ халқаро кузатувчи қатнашаётгани Ўзбекистонга бўлган улкан қизиқиш ва эътиборнинг амалий ифодасидир. Сайловолди кампаниясининг юқори даражада ташкил этилгани Президент сайлови жараёнининг эркин, очиқ ва ошкора ўтаётганидан дарак беради.

Н.УСМОНОВА, ЎзА мухбири

ОРЗУЛАР РЎЁБИ УЧУН

Беш ёшимдан бошлаб спортнинг бадиий гимнастика тури билан шуғулланиб келаман. 2010 йилдан буён бадиий гимнастика бўйича Республика терма жамоаси аъзосиман. Мамлакат ва халқаро миқёсда ўтказилган қатор турнирларда қатнашиб, юқори натижаларни қўлга киритдим.

Хусусан, "Умид ниҳоллари — 2012" финал мусобақаларида олтин ва кумуш медаллар соҳибаси бўлдим. 2014 йилда ўтказилган ёшлар очиқ чемпионатида иккинчи ва учинчи даражали диплом билан тақдирландим. Ўтган йили Франциянинг Ницца шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда олтин ва кумуш медалларни қўлга киритдим. Мен ва ўзим каби тенгдошларимнинг эришаётган ютуқлари юртимизда ёшларга бўлган эътиборнинг юксаклиги, имконият ва қобилиятини намоён қилиш учун яратилаётган шароитларда деб биламан. Март ойи бошида ҳаётимда унутилмас воқеа рўй берди. Бир гуруҳ иқтидорли қизлар қаторида Зулфия номидаги Давлат мукофотига муносиб деб топилдим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида бу йил илк бор иштирок этаман. Сайлов қонунчилиги, сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодларнинг ҳаракат дастури билан яқиндан танишдим. Сайлов участкаси вакиллари менинг номимга сайловда иштирок этиш учун таклиф қоғозини тақдим қилганида улғайганлигим, эндиликда Ватанимиз, халқимиз келажаги олдида ўзига хос масъулиятим борлигини, миллионлаб ватандошларимиз қаторида менинг овозим ҳам юрт келажагини белгилашда аҳамиятга эга эканини ҳис этдим. Келажагимиз, орзуларимиз рўёби учун овоз бераман.

Рухшона ИРГАШЕВА, Самарқанд педагогика касб-ҳунар коллежи ўқувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори

2015-yil 28-mart, shanba, № 40 (3545), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОННИНГ САНОАТ САЛОҲИЯТИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда 2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури қабул қилинди

Бугун Ўзбекистонни иқтисодиёти энг илғор технологиялар асосида жадал ривожланиб бораётган давлат сифатида бутун дунё яхши билади. Мамлакатимизнинг улкан илмий-техник ва ишлаб чиқариш салоҳияти тобора юксалиб бораётир.

Мамлакатимизда ҳар йили иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, инфратузилма ва транспорт-коммуникация тизимларини янада ривожлантиришга йўналтирилган кенг кўламли инвестициявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бунинг самарасида янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли даромади кўпаймоқда. Узоқ муддатли тараққиёт стратегиясининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани Ўзбекистонга дунёнинг кам сонли давлатлари қаторида ялпи ички маҳсулот, саноат ишлаб чиқаришининг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш имконини бермоқда.

Жумладан, 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига кўра, ялпи ички маҳсулот 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ўсди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этди.

Президентимизнинг 2015 йил 4 мартдаги «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни янгилаш ва инновация технологияларини жорий этиш бўйича узлуксиз жараённинг мантиқий давоми бўлди.

Дастур таркибий ўзгаришларни изчил таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, барқарор иқтисодий ўсиш локомотивлари бўлишга қодир юқори технологияли саноат тармоқларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг энергия сарфи, моддий ва меҳнат харажатларини камайтириш бўйича мавжуд захиралардан янада тўлиқ фойдаланиш, шунингдек, жаҳон бозорида талаб барқарор бўлган рақобатбардош тайёр товарлар ва ярим фабрикатлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, бунинг учун хорижий инвестицияларни, жумладан, етакчи хорижий компаниялар билан биргаликда қўшма корхоналар ташкил этиш орқали фаол жалб қилиш мақсадида қабул қилинди.

Хусусан, ушбу фармонга мувофиқ, ресурс тежайдиган буғ-газ қурилмаси ва қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича синаб кўрилган замонавий технологияларни кенг жорий этиш асосида электр энергетика соҳасида фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш қувватларини изчил модернизация қилиш ва янгиларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Нефт-газ ва нефт-кимё саноатида табиий газ ва газ конденсатини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турини кенгайтириш режалаштирилмоқда. Кимё саноатида ишлаб чиқариш ва экспортни мураккаб минерал ўғитлар, полимерлар, синтетик каучук, метанол ва кенг турдаги маиший-кимё товарлари ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологияларни жорий этиш орқали диверсификация қилиш кўзда тутилган.

Умуман, геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефт-кимё ва металлургия саноатида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича 124 инвестиция лойиҳаси, шунингдек, хорижий сармоядорларни жалб этган ҳолда 48 истиқболли инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Масалан, «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қувватларини модернизация ва реконструкция қилиш, «Муборак газни қайта ишлаш заводи» унитар корхонасида газ-кимё мажмуасини барпо этиш, Устюрт газ-кимё мажмуаси хомашё базасида углеводородлар пиролизи ишлаб чиқарадиган янги завод, Ўзбекистон-Хитой газ қувурининг тўртинчи тармоғини қуриш, «Ўзбекимёмаш» заводининг йирик ва оғир нефт-газ-кимё ускуналари ишлаб чиқарадиган қувватларини кенгайтириш (2-босқич), пластик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, геология-қидирув ишлари учун юқори технологияли ускуналар харид қилиш ва бошқа лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилаётир.

Кимё саноатида «Самарқандкимё» акциядорлик жамиятида мураккаб минерал ўғитлар (NPK) ва калий сулфати, «Навоий азот» акциядорлик жамиятида поливинилхлорид ва метанол, «Ангрен» махсус индустриал зонасида автомобил ва қишлоқ хўжалиги техникаси шиналари, конвейер лента лари ҳамда бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш кўзда тутилган.

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси Дастур доирасида Навоий иссиқлик электр станциясини 450 МВт қувватга эга иккинчи буғ-газ қурилмасини қуриш орқали кенгайтириш, Қуйи-Бўзсув ГЭСи каскади, Фарҳод ГЭСи ва «Тошкент ГЭС» каскади унитар корхонасини модернизация қилишни бошлайди. «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамиятида Апартак конини қуриш ва молиявий ҳисобга олиш ва ҳисобдорлик, ходимлар, тезкор ҳамда ишлаб чиқариш-технологик фаолиятни бошқаришни компютерлаштириш бўйича интеграциялаштирилган комплекс тизимни жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Олмалиқ ва Навоий кон-металлургия комбинатлари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича 41 лойиҳани амалга оширишни режалаштирмоқда. Сулфат кислота ишлаб чиқариш заводи қуриш, Мурунтов карерига ишлов бериш (5-навбати), қўшимча ишлаб чиқариш объектларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, Жиззах вилоятидаги цемент заводини кенгайтириш, Шеробод туманида цемент заводи қуриш, мис сими ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бошқа лойиҳалар шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу фармонига мувофиқ, машинасозлик, автомобил ва электр техника саноати, маҳсулотларни стандартлаштириш соҳасида ҳам кенг кўламли ўзгаришлар белгиланган. Мазкур соҳаларда жами 77 лойиҳани, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали амалга ошириш режалаштирилган. Бунинг натижасида 2019 йилда технологик етакчи корхоналар билан ҳамкорликда импорт ўрнини босадиган қишлоқ хўжалиги техникаси, юк автомобиллари ҳамда бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш бўйича янги қувватлар ташкил этиш ва фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтириш кўзда тутилган.

Чунончи, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси тизимидаги «JV MAN AUTO Uzbekistan» ва «UZAUTOTRAILER» қўшма корхоналарида юк автотранспорти воситалари кабинаси ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳамда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, Жиззах аккумулятор заводини технологик модернизация қилиш, «Gentra», «Spark», «Cobalt», «T250» автомобиллари учун алюминий ва пластмасса деталлар, тормоз тизими элементлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

«Ўзагросаноатмашхолдинг» холдинг компанияси Тошкент ва Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводларини модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлаш орқали «Класс», «Лемкен» ва бошқа етакчи технологик корхоналар билан ҳамкорликда замонавий тракторлар, дон, ем-хашак ўриш ва пахта териш машиналари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, темир буюмлар, трансмиссия ва редукторларга механик ҳамда термик ишлов бериш қувватларини ташкил этишни режалаштирмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, 2019 йилга келиб электр техника ускуналари тайёрлаш бўйича юқори технологияли ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш ва ўзлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари учун ускуна ва эҳтиёт қисмлар, кенг турдаги экологик тоза қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича янги корхоналар ташкил этиш кутилмоқда.

Хусусан, «Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компанияси «Андижонкабел» акциядорлик жамиятида Европа технологиялари асосида автомобил симлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, Мотор заводи майдонларида интеграл микросхемалар, кам қувватли фотоэлектр станциялари, турли қувватли электр двигателлар ва маиший электр техника воситалари учун компрессорлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, музлатгич, маиший газ ва комбинацияланган плиталар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маиший электр ва электр техника маҳсулотлари ишлаб чиқариш, маркетинг ва логистика кластерини ташкил қилишни режалаштирмоқда. Умуман олганда, компания томонидан умумий қиймати 268,5 миллион долларлик 39 янги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланмоқда.

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси, хусусан, хориж инвестицияларини жалб этган ҳолда 11 лойиҳани амалга оширишни режалаштирган. «Қизилқумцемент» акциядорлик жамиятида узлуксиз базалт толаси ва арматура ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, оҳак ва темир-бетон плиталар, «Uz Oupa» масъулияти чекланган жамиятида йирик ўлчамли ойна ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, Қорақалпоғистон Республикасида цемент заводи қуриш, Жиззах вилоятида цемент асосида пардозлаш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ана шундай йирик лойиҳалар сирасидан.

Шунингдек, Дастурда маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш асосида ички ва жаҳон бозорида харидоргир бўлган рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ҳамда ярим фабрикатлар, жумладан, бўялган ип, мато, ишлов берилган тери, трикотаж, тикувчилик, пойабзал ва атторлик-чарм буюмлари ишлаб чиқариш ҳисобидан тўқимачилик ҳамда чарм-пойабзал саноати тузилмасини янада яхшилаш ҳам кўзда тутилган.

Шунга мувофиқ, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси чет эллик етакчи шериклар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, янгиларини ташкил этиш бўйича 58 лойиҳа, шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда, 21 истиқболли лойиҳани амалга оширишни режалаштирмоқда. Элликқалъа ва Қўнғирот пахта заводлари, Бухоро вилоятининг Ғиждувон, Жондор ва Ромитан туманларида қурилиши якунланмаган объектлар негизида тўқимачилик комплекслари, «Индорама Кўқон текстил» хорижий корхонасининг тўртинчи босқичини ташкил этиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси ташқи бозорда талаб юқори бўлган чарм ва замонавий пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 61 инвестиция лойиҳасини амалга ошириди.

Фармон доирасида Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси томонидан замонавий сублимитлаш, музлатиш ва вакуумли қадоқлаш технологиялари асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ҳамда қайта ишлашга қаратилган қиймати 410 миллион долларлик 304 лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилган.

Жумладан, Сурхондарё вилоятидаги «Файзи Рамз» фермер хўжалигида мева-сабзавотни қайта ишлаш (сублимацион қуритиш), «Жиззах» махсус индустриал зонаси ҳудудида тез тайёрланадиган маҳсулотлар, Самарқанд вилоятидаги «Сиёб саховати» хорижий корхонаси масъулияти чекланган жамиятида гўштни қайта ишлаш, Тошкент вилоятидаги «Euro Food Trade» корхонасида балиқ консервалари ишлаб чиқариш ва қўзиқоринни чуқур қайта ишлаш йўлга қўйилади, шунингдек, фаолият юритмаётган озиқ-овқат саноати корхоналари модернизация қилинади (165 лойиҳа).

Президентимиз фармонида жаҳондаги етакчи компанияларнинг лицензия ва патентлари асосида фармацевтика саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва турини кенгайтириш, маҳаллий ишланмалар ҳамда хомашё асосида тиббиёт препаратлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш режалаштирилган.

Шу муносабат билан «Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик концерни 22 инвестиция лойиҳасини амалга оширишни режалаштирмоқда. «Pharm Product» масъулияти чекланган жамиятида бир марта ишлатиладиган тиббиёт буюмлари учун металл ниналар, инъекция эритмалари, қуритилган ҳолда қадоқланган дори воситалари, таблеткалар, капсула ва саше-пакетчалар учун бўш ампулалар, канал найчалар, «Soft inter medical» масъулияти чекланган жамиятида инфузия эритмалари, «Radiks» хусусий илмий-ишлаб чиқариш корхонасида плазма ўрнини босадиган эритмалар, дори воситалари ишлаб чиқариш учун ўсимлик субстанциялари ва бошқа дори воситалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, Дастур доирасида замонавий технологик талабларга жавоб бермайдиган эскирган ускуналар ва қувватларни фойдаланишдан чиқариш ва уларни замонавий ҳамда самарали ишлайдиганлари билан алмаштиришга қаратилган қарийб 300 лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган (Фарғона иссиқлик электр маркази ва Навоий иссиқлик электр станциясидаги энергоблоклар, «Навоий азот» акциядорлик жамиятида аммиак ва кучсиз азот кислотаси ишлаб чиқариш қувватлари, «Аммофос Максам» акциядорлик жамиятида сулфат кислота ишлаб чиқариш корхонаси, Тошкент ва Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводларининг ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқалар).

Давлатимиз раҳбарининг фармонида 2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш доирасида қиймати 30 миллион АҚШ долларидан зиёд ва чет эллик инвестор улуши камида 50 фоиз бўлган лойиҳалар бўйича ишлаб чиқариш майдони ташқарисида муҳандислик-коммуникация тармоқларини йўлга қўйиш бюджет маблағлари ҳамда ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Мухтасар айтганда, Президентимизнинг 2015 йил 4 мартдаги «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича умумий қиймати 40 миллиард 809 миллион долларлик 846 инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган.

2015-2019 йилларда амалга оширилади ган қиймати 19 миллиард 640 миллион долларлик 711 янги лойиҳанинг сармоядорлари ва молиялаштириш манбалари белгилаб олинган. Қиймати 21 миллиард 169 миллион долларлик 135 истиқболли лойиҳага эса хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб қилинади.

Ушбу Дастурнинг ҳаётга татбиқ этилиши 2015-2019 йилларда ялпи ички маҳсулотни йилига ўртача камида 8 фоиз, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 9 фоиз, шу давр ичида ушбу кўрсаткични 1,5 баробар ошириш имконини беради. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноат улуши ҳозирги 24 фоиздан 2020 йилда 27 фоизга етади. Машинасозлик, нефт-газ, нефт-кимё, кимё, тўқимачилик ва озиқ-овқат каби юқори технологияли тармоқларни янада жадал ривожлантириш, саноатда уларнинг улушини 2014 йилдаги 62 фоиз ўрнига 2020 йилда 67 фоизга етказиш кутилмоқда. Бу борада 100 га яқин янги товар гуруҳлари (қарийб 1000 хил маҳсулот) ишлаб чиқариш ўзлаштирилади ва 2020 йилга бориб мамлакатимиз саноатининг йиллик ишлаб чиқариш ҳамда экспорт салоҳияти тегишли равишда 18 триллион сўмга ва 2 миллиард долларга оширилади.

ЎзА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Жорий йилнинг 14 февралидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ўз сайловолди дастурларининг асосий йўналишларини, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг турли масалаларига оид позицияларини сайловчилар ҳамда кенг жамоатчиликка етказишга қаратилган сайловолди ташвиқотини олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари барча сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда, Марказий сайлов комиссияси томонидан қурўа ташлаш йўли билан белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилмоқда. Мажлисда Президентликка номзодлар оммавий ахборот воситаларида ўз сайловолди ташвиқоти материалларининг тури, шакли, услуби ва мазмунини мустақил белгилагани қайд этилди.

Ҳар бир номзод ва сиёсий партия «Ўзбекистон» ва «Ёшлар» теле ва радиоканалларида ажратилган 900 дақиқалик, шунингдек, ҳудудий теле ва радиоканалларда ажратилган 180 дақиқалик эфир вақтидан самарали фойдаланмоқда. Ҳар бир номзодга ўз ташвиқот материалларини чоп этиш учун «Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарида 10, ҳудудий газеталарда 5 саҳифадан нашр майдони ажратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК НИҲОЯСИГА ЕТМОҚДА

партияларнинг босма нашрлари саҳифаларида ҳам ўз сайловолди кампаниясини олиб бормоқда, Интернет нашрлар имкониятларидан фойдаланмоқда.

Сайловолди ташвиқотида ташқи (кўча) реклама воситаларидан ҳам самарали фойдаланилаётир. Хусусан, мамлакатимиз бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг 829 тадан баннери жойлаштирилган. Бундан ташқари, номзодлар ҳақидаги роликлар электрон мониторларда ҳар куни намойиш этилмоқда.

Мажлисда сайловолди ташвиқотининг ўтган даврида сайлов қонунчилиги бузилиши ҳолати қайд этилмагани таъкидланди.

Марказий сайлов комиссияси аъзолари 29 март куни овоз беришга тайёргарлик кўриш масаласини ҳам кўриб чиқди. Бунда миллий сайлов қонунчилиги талаблари, очиқлик, ошкоралик ва адолатлилик принципларига риоя этиш зарурлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурини бажариш жараёнида барча даражадаги сайлов комиссиялари томонидан фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган самарали ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун 9060 сайлов участкаси, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида 44 сайлов участкаси тузилди. Улар барча зарур жиҳозлар билан таъминланган. Ҳар бир сайлов участкасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ҳақида ахборот мавжуд. Участка сайлов комиссиялари сайловчиларни овоз бериш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилган.

Ўзбекистон давлат ва нодавлат телеканалларида сайлов санаси ҳақида ахборот берувчи теле ҳамда радио роликлар, муддатидан олдин овоз бериш ва сайлов куни овоз бериш тартиби, сайлов бюллетенини тўлдириш, шунингдек, овоз бериш куни участка сайлов комиссияларининг фаолиятига бағишланган телекўрсатув ҳамда видеороликлар намойиш этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампаниясини ёритишда Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган 430 нафардан зиёд, округ сайлов комиссиялари томонидан рўйхатдан ўтказилган 550 нафарга яқин мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этмоқда. Уларни барча зарур ахборот материаллари билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази, округ сайлов комиссиялари ҳузуридаги матбуот марказлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда матбуот анжуманлари, брифинг ва семинарлар ўтказилмоқда.

Сайлов жараёнининг очиқлик ва ошкоралигини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда интернетга уланган ягона компютер тармоғи яратилган бўлиб, бу овоз бериш жараёнини онлайн режимида кузатиш ҳамда республикамиз ҳудудлари билан видеоалоқа ўрнатишга ёрдам беради. Марказий сайлов комиссияси сайлов куни жамоатчиликни 29 мартда Республика матбуот марказида бўлиб ўтадиган брифинглар орқали овоз бериш жараёни ҳақида хабардор қилиб боради.

Марказий сайлов комиссиясининг кенгайтирилган мажлисида округ сайлов комиссиялари аъзолари сайловни ташкил этиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан ахборотга эга бўлди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири

▽ Эътиборингизга

Наврўз нафақат табиатда янгиланиш ясайди, балки кўнгилларни яшартиради ҳам. Ана шундай таассурот уйғотувчи шодиёналардан бири Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида бўлиб ўтди.

МЕҲР ВА ЭЪТИБОР ОҒУШИДА

Тадбир давомида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида кексаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишлар амалга ошириб келинаётганлиги, шунингдек, "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурини бажариш бўйича Ўзбекистон касаба уюшмалари Федарацияси Кенгаши томонидан бир қатор хайрли тадбирлар белгилаб олингани айтиб ўтилди.

Жумладан, уруш ва меҳнат фронти фахрийларининг тиббий соғломлаштириш даражаси ва сифатини оширишда ЎзКУФКнинг ҳам алоҳида ўрни борлиги таъкидланди. Пансионатда яшовчи икки нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ўн икки нафар меҳнат фронти фахрийсини соғломлаштириш, шунингдек, юз нафарга яқин якка-ёлғиз нуронийлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш доимий эътиборда эканлиги бунинг ёрқин далилидир.

— "Яхши сўз — жон озиғи" деган нақл бу масканда хизмат қиладиган ҳар бир ходимнинг шиорига айланган, — дейди пансионат директорининг маданият ва маърифат ишлари бўйича муовини Ойгул Муҳаммадиева. — Пансионатдаги кексаларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилади. Ҳар байрамда бугунгидек шодиёна ташкил этилади.

— Биз кексаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан беҳад миннатдормиз, — дейди Луда Шахворсстова. — Бу ерда барча қулайликлар яратилган. Ошхонада лаззатли парҳез таомлар, витаминларга бой шарбатлар саломатлигимизни мустаҳкамлашда асқотмоқда.

Эстрада хонандаларининг чиқишлари тадбирга ўзгача шукуҳ бағишлади.

Муассасага "Касаба уюшмалари — фахрийларга" акцияси доирасида кийим-кечак, дори-дармонлардан иборат совғалар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг ўринбосари Т.Тешабоев қатнашди.

Нурилла ЧОРИЕВ,
"Ishonch" мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

2015-yil 28-mart, shanba, № 40 (3545), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

▽ Тиббиёт

ЕТАКЧИ МАМЛАКАТЛАР ҚАТОРИДА

Мактабни тамомлаётган кезларимиз эди. Мушарраф исмли синфдошимиз соғлиги ёмонлашгани боис дарсларга келолмай қолди. Уйига борганимизда бир гапириб ўн куладиган дугонамизни бўйни шишган, кайфиятсиз ҳолда учратдик. Узоқ текширувлардан сўнг шифокорлар бу касалликка саратон ташхисини қўйишибди.

Айниқса, бошқа вилоятлик бир табибнинг гапи ҳаммасидан ўтиб тушди:

— Нари борса, бир-икки ой яшайди.

Табиб берган гиёҳларни хомуш тортганча ичаётган синфдошим ҳам, афсуски, бу "башорат"дан хабардор эди. Яхшиямки, маҳалла-кўй, кўнгилга малҳам бўлгувчи одамлар бор. Уларнинг аралашуви, тавсияси билан Мушаррафни пойтахтга мутахассис шифокорлар кўригига олиб боришди. Таҳлил натижаларига кўра, синфдошимизда касалликнинг биринчи жараёни кечаётган экан. Дарҳол зарур муолажалар бошлаб юборилди. Узоқ даволаниш натижасида дугонамиз бутунлай соғайиб кетди.

У сингари беморларнинг саломатлиги тикланишида онкологик касалликлар профилактикаси ва уларнинг муолажаси масалаларига мамлакатимизда алоҳида эътибор қаратилаётгани беқиёс аҳамиятга эга, десак адашмаймиз.

Тиббиёт фанлари доктори, эл-юрт ҳурматидаги олим ва жаррох, профессор С.Наврўзов раҳбарлик қилаётган Республика онкология илмий марказининг ҳам бу борада жаҳон тиббиёти билан ҳамнафас равишда ривожланиб бораётгани ва ушбу касалликларни эрта аниқлаш ҳамда даволашда яхши натижаларга эришилаётгани диққатга молик.

Мазкур марказ республикамизнинг онкология хизмати бош муассасаси бўлиб, таркибида 17 та онкология хизмати кўрсатувчи йирик муассаса (шаҳар, вилоят, республика диспансерлари) мавжуд. Шунингдек, 271 та туман ва шаҳар поликлиникалари қошида онкокабинетлар фаолият юритади. Муассаса онкологик касалликка чалинган беморларга юқори даражада ихтисослаштирилган диагностика, даволаш ва маслаҳатлар бериш, вилоят онкология диспансерларига илмий-услубий ёрдамлар кўрсатиш, хатарли ўсмаларни скрининг ва профилактика қилиш, клиник радиология ва онкология бўйича ординатор, магистр, стажёр-тадқиқотчиларни тайёрлаш бўйича МДҲда етакчи марказлардан бири ҳисобланади.

Марказда "Онкология" ва "Нурли диагностика, нурли терапия" мутахассисликларига оид илмий ишларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган кенгаш ташкил этилган. 2001 йилдан бери ушбу кенгаш 14 та докторлик, 80 та номзодлик илмий ишларини кўриб чиқди. Марказнинг илмий фаолияти кенг кўламли бўлиб, у назарий, экспериментал ва клиник бўлимларни ўз ичига олади. Ҳар йил масканда онкология назарияси ва клиникасининг долзарб масалалари бўйича хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда, 10 дан ортиқ илмий-амалий форум ва тренинглар ўтказилади. Унда мамлакатимизда онкология бўйича фаолият юритувчи ёки унга дахлдор мутахассислар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этади. Бу каби форумлар хорижий мутахассислар билан соҳа бўйича билим ва тажриба алмашиш имкониятини яратади.

Шифо маскани фаолияти, саратон хасталигининг олдини олиш чора-тадбирлари хусусида марказнинг абдоминал бўлими илмий раҳбари тиббиёт фанлари доктори, профессор Миржалол Жўраев билан суҳбатлашдик.

— Бугунги кунда муссасасада 18 та тиббиёт фанлари доктори, 55 та тиббиёт фанлари номзоди фаолият кўрсатмоқда, — дейди шифокор олим. — 2001 йилдан буён моддий-техник базамиз сезиларли даражада ривожланди. Ҳозирда барча клиник, лаборатория ва нурли диагностика бўлинмаларида қайта таъмирлаш ишлари олиб борилаётир. Замонавий талабларга жавоб бера оладиган нурли диагностика ва терапияга оид бўлган асбоб-ускуналар билан таъминланмоқда.

Марказдаги 14 та клиник бўлимдан 10 таси жарроҳликка ихтисослашган бўлиб, барчасида ўз соҳаси бўйича дунёнинг етакчи клиникаларидаги каби барча юқори технологик жарроҳлик амалиётлари мукаммал бажарилади.

Хусусан, ўзим раҳбарлик қилаётган абдоминал бўлими 25 та ўринга мўлжалланган бўлиб, йил давомида 650 дан зиёд беморга юқори малакали хизмат кўрсатамиз. Мазкур бўлим ошқозон, жигар, меъда ости бези, қорин бўшлиғидаги ўсмаларни даволашга ихтисослашган бўлиб, йилига 450 дан ортиқ беморларда энг мураккаб жарроҳлик амалиётлари бажарилади.

Маълумки, даволаниш натижалари ўсма касалликларининг босқичларига боғлиқ. Кейинги йилларда хасталикнинг 3-4-босқичларида мурожаат қилиш бир оз камайган, холос. Шуни унутмаслик керакки, онкологик касалликнинг қайси кўринишида бўлишидан қатъи назар, бемор касалликнинг 1-даражасида мурожаат қилса, у операциядан сўнг, бемалол соғлом ҳаёт тарзига қайтиши мумкин. 2-даражасида эса 70 фоиз даволаш имкони бўлади. Шунинг учун ҳам саратонни соғлом одам ичидан қидириш керак, деган гап ҳам бор. Сабаби, қорин бўшлиғидаги ўсмаларнинг 1-2-даражада клиник белгиси бўлмайди. Бемор соппа-соғ юради, ишлайди. Касаллик белги берганда эса 30 фоизи 3, 70 фоизи 4-даражада бўлади. Шунинг учун ҳам асосан, ёши қирқдан ўтган инсонлар доимо ўзини тиббий кўрикдан ўтказиб туриши керак. Бунда, энг яхшиси, 15-20 дақиқа вақт сарфлаб, ултратовуш аппаратида ички аъзолар текширтирилса, барчаси аён бўлади. Ошқозон ўсмасининг олдини олиш учун эса, икки-уч йилда бир марта эндоскопия ёки рентген аппаратига тушиш фойдадан холи бўлмайди. Мисол учун, Японияда меъда саратони билан оғриганлар бизнинг республикамизга қараганда 18-20 марта кўп учрайди, лекин уларда 60 фоиз беморлар касалликнинг илк босқичларида аниқланади. Япон олимларининг айтишича, аҳолининг 40 ёшдан ўтган қатлами бир йилда бир марта эндоскопия текширувидан ўтади. Шу боис ҳам касалликнинг аксарият фоизи эрта аниқланади.

Мутахассис шу ўринда ўзининг айрим мулоҳазаларини ҳам баён қилди.

— Юртимизда тиббий туризмни ривожлантиришга эътибор қаратилаяпти. Бугунги кунда кўплаб мураккаб жарроҳлик ишларига ривожланган чет мамлакатлардан қолишмаган тарзда ёндашиляпти. Жумладан, онкология йўналишида ҳам тиббий хизматлар жамики замонавий талабга тўлиқ жавоб беради. Шунга қарамасдан баъзи фуқаролар бу имкониятлардан бехабар тарзда пешона тери билан топган маблағини чет давлатларда операцияга сарфлаб келаяпти. Шуни айтиш керакки, давлатимиз томонидан онкологик касалликлар диагностикаси ва уни даволаш бепул этиб белгиланган. Яқинда оғир аҳволдаги бир беморни кўргани чақиришди. Айтишича, хорижий давлатда жигари билан боғлиқ касалликни катта маблағга операция қилдирибди. Ваҳоланки, бу каби операцияни юртимиздаги шифохоналарда ҳам амалга оширадиган салоҳиятли мутахассислар етарли. Яна бир бемор чет давлатга бориб, операция қилдирмоқчи бўлганда маблағи етмай қайтиб келди. Биз уни текшириб кўрганимизда операцияга эҳтиёж йўқлиги аниқланди. Мана 4-5 йилдан буён шу инсон соғ-омон яшаяпти. Дейлик, онкологик беморнинг чет эл клиникаларида даволаниши учун шифохоналарнинг даражасига қараб, бир кунда 100 АҚШ долларидан 2-3 минг долларгача маблағ талаб этилади. Устигаустак, авиачипта нархи, қариндошларнинг ижарада яшаши, керакли ҳужжатларни таржима қилиш, клиникани танлаш, виза олиш, таржимон ёллаш ва бошқа шу каби хизматларга алоҳида маблағ сарфланади. Онкологик жарроҳлик амалиётларидан сўнг режали равишда ҳар уч, олти ёки тўққиз ойда бир марта бўладиган тиббий кўрикдан ўтказиш учун сарфланадиган харажатларни ҳам қўшиб ҳисоблаганимизда, бу қанчалик катта маблағ талаб қилишини тасаввур қилишимиз қийин эмас. Юртдошларимиз ушбу жиҳатларни ўйлаган ҳолда саратон касалликларини даволаш учун мамлакатимизда ҳам керакли шароитлар мавжудлиги ҳақида хабардор бўлишларини истардим.

Бўлим фаолияти билан ҳам қизиқарканмиз, онкологик касалликларни даволаш бўйича эришилаётган ютуқлар эътиборимизни тортди. Яхшиси, бу ҳақда даволанаётган беморлардан эшитганимиз тўғрироқ бўлади.

— Соғлиқдан ортиқ бойлик бўлмаса керак, — дейди суҳбатдошимиз Олмазор туманида яшовчи Заҳро Носирова. — Ёшим 53 да. Шу кунгача ҳеч қандай касалликка чалинмагандим. Афсуски, кейинги пайтда ҳолсизланиб, аҳволим оғирлашиб қолди. Текширувлар натижасига кўра, жигар ўт йўлларида шиш борлиги маълум бўлди. Шифокорлар жарроҳлик йўли билан бу дарддан фориғ қилишди. Бу операциялар катта пул эвазига қилинади, деб ўйлардим. Аммо биз каби беморларга ҳеч қандай харажатсиз хизмат кўрсатилишига гувоҳ бўлиб турибман. Ҳозир ўзимни яхши ҳис қиляпман.

Бугунги кунда марказ МДҲ, Европа давлатлари, АҚШ, Япония, Корея, Хитой каби мамлакатлар етакчи марказлари билан илмий-амалий алоқалар ўрнатган бўлиб, ҳар йили 30-40 дан ортиқ етакчи мутахассис ва ёш олимлар хориждаги илмий-амалий анжуманларда қатнашиб, ўз билим ва тажрибалари билан ўртоқлашмоқдалар. Бунга шу йил феврал ойида Парижда ўтган онкологларнинг XXV халқаро конгресси мисол бўла олади. Тадбир чоғида ўзбек олимларининг ўндан ортиқ маърузалари тингланди. Республика онкология илмий маркази мутахассисининг маърузаси халқаро танлов якунлари бўйича биринчи ўринга лойиқ, деб топилди. Конгресс ташкилий қўмитаси вакиллари қайд этганидек, бундай юксак баҳо онкология касалликларининг олдини олиш ва даволаш бўйича Ўзбекистон дунёнинг етакчи мамлакатлари қаторига кириб бораётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Айтиш керакки, эришилаётган ютуқлар, изланишларнинг адоғи йўқ. Бироқ, мутахассис таъбири билан айтганда, бу каби дардга чалинмаслик ўз қўлимизда. Шундай экан, ҳар биримиз умидсизликка тушмай, ҳар лаҳзаси гўзал, ҳар дами ғанимат умрнинг бебаҳолигини ҳис қилган ҳолда соғлигимиз ҳақида қайғуришга шошилайлик. Зеро, касаллик бизни енгмасдан, биз уни енгайлик.

Гўзал НОРЧАЕВА,
"Ishonch" муҳбири

▽ Инсон ва қонун

МУРОЖААТНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Ҳаётда рўй бераётган янгиланиш ва ўзгаришлар қонунчилигимизда ҳам ўз аксини топмоқда. Жумладан, ўтган йили кучга кирган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни илгари амал қилган "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунда назарда тутилмаган, замон талабларидан келиб чиқувчи бир қатор меъёрларни ҳаётга татбиқ этди.

Янги қонунга мувофиқ мамлакатимизда ахборот технологиялари ривожланиши билан боғлиқ равишда кенг тарқалаётган «электрон мурожаат» турининг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланди. Давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш борасидаги масъулияти оширилди. Амалиётда дуч келинаётган такрорий мурожаат, мурожаатнинг дубликати, қўшимча мурожаатлар масалаларига аниқлик киритилиб, таъриф берилди ва уларни кўриб чиқишнинг тартиби белгиланди. Бу мурожаатларни кўриб чиқишда ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини жорий қилиш имконини беради. Шунингдек, қонунда мурожаатларнинг шакллари, турлари, уларга қўйиладиган талаблар белгиланди. Жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, мурожаат этиш ҳуқуқларининг кафолатлари мустаҳкамланди.

Бундан ташқари, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунга кўра юридик шахсларнинг мурожаатлари фуқаролар мурожаатлари билан бир хил тартибда кўриб чиқилади. Янги қонун юқоридаги бўшлиқни бартараф қилиб, юридик шахс мурожаатини алоҳида таърифлайди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш жадвалида қабул вақти ва жойи кўрсатилиши ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тўғрисидаги ахборот мавжуд бўлиши шарт қилиб қўйилди. Қабул қилиш тартиби давлат органларининг расмий веб-сайтларида ҳам эълон қилинади. Бу эса фуқароларга ҳам, юридик шахсларга ҳам қулайлик туғдиради.

Давлат органларининг қабулни ўтказувчи раҳбарлари ёки бошқа ваколатли шахслари ҳар қандай масалалар, шу жумладан, ўз ваколатларига кирмайдиган масалалар бўйича мурожаат этилганда қабулни рад этишга ҳақли эмас. Фақатгина уларнинг шундай хусусиятга эга бўлган илгариги мурожаати бўйича қарор қабул қилинган ва бу ҳақда уларга ушбу қонунда белгиланган тартибда хабар қилинган бўлса, қабул рад этилиши мумкин. Шахсий қабул давомида давлат органининг раҳбари қарорига кўра ҳамда мурожаат этувчининг ёзма розилиги билан махсус техника воситалари (аудио ва видео ёзув, шунингдек, фотосуратга олиш) қўлланилиши мумкин. Давлат органларининг раҳбарлари ёки бошқа ваколатли шахслари томонидан сайёр шахсий қабуллар ташкил этилиши мумкин.

Шу ўринда, мурожаат қилиш ҳуқуқи жисмоний ёки юридик шахснинг ўз муаммолари, талаб ва таклифларини давлат органларига билдириш усулларидан бири эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Юқоридаги қонун шахс ва давлат муносабатларидаги мувозанатни таъминлашнинг самарали механизми сифатида хизмат қилади.

К. УБАЙДУЛЛАЕВ,
ИИВ Академияси Тезкор қидирув ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси, майор

Реклама ва эълонлар

Корхона ва ташкилотлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассислигида нашр этиладиган "Ҳамшира" журнали Давлат корхонаси журналнинг 2015 йилда чоп этилиши мўлжалланган йиллик тўртта сонини чоп этиш учун тендер савдосини эълон қилади ва бу учун савдода иштрок этиш ваколатига эга ҳар бир ташкилот ва матбаа корхоналарининг тендер таклифини шу йилнинг 20 апрел куни соат 17:00 дан кечиктирмай тақдим этишга

таклиф этади!

Танлов ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисида батафсил маълумотларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 502-, 534-хоналар.

Тел./факс: (371) 233-53-37

Нархлари кўрсатилган тижорат таклифларингиз алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан муҳрланган бўлиши лозим.

Хизматлар лицензияланган.

▽ Тарбия

БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Мамлакатимизда мустақил фикрлай оладиган, чуқур билим ва кенг дунёқарашга эга, юрт тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодни шакллантиришга жиддий эътибор берилмоқда.

Бугунги кунда ахборот хуружи шу қадар авж олганки, ундан ҳимояланишда айнан шу хусусиятларга эга бўлиш талаб этилади. Бузғунчи кучлар ғаразли мақсадларини амалга оширишда асосан ахборот маконига айланган интернетдан фойдаланмоқда. Глобал тармоқдан фойдаланувчиларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Улардаги тажрибасизлик эса билиб-билмай ёт ғоялар таъсирига берилиш хавфини туғдиради.

Шундай экан, мамлакатимиз келажаги бўлган ёш авлод маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларда соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат туйғусини болаликдан шакллантириш зарур. Бу масалага нафақат ота-она ва яқинлари, балки бутун маҳалла, мактаб, лицей, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларидаги устоз ва мураббийлар масъулият билан қарамоғи лозим.

Глобаллашув жараёнида ёшларимизнинг юриш-туриши, нима билан машғуллиги, уларда юз бераётган бирон-бир ўзгаришни эътибордан четда қолдириш оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида шундай дейилган: «Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзи бўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча — қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади."

Ёш авлодни ниҳолга қиёслашади. Уни қай томонга эгса, шу зайлда ўсади. Фарзандларимиз тарбиясида ушбу жиҳатни эсдан чиқаришга асло ҳаққимиз йўқ.

Гулноза ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Шайхонтоҳур тумани 3-ДНИ нотариуси

Реклама ва эълонлар

"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Жиззах вилоят филиали бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

I. Савдога Давлат рақобат қўмитаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 24 мартдаги 38, 39, 40-сонли буйруқларига, ҳамда, Мирзачўл тумани ҳокимининг 2015 йил 18 февралдаги 200, 201, 202-сонли қарорларига асосан якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича қуйидаги ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар қўйилмоқда:

1. Мирзачўл тумани, Боғбон ҚФЙ ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун 400 кв.м ва деҳқон хўжалиги юритиш учун 200 кв.м, жами ҳар бири 600 кв.мдан иборат (1-сонидан 9-сонигача бўлган) 9 та ер участкалари. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси – 37 000 сўмдан.

2. Мирзачўл тумани, Мирзадала ШФЙ ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун 400 кв.м ва деҳқон хўжалиги юритиш учун 200 кв.м, жами ҳар бири 600 кв.мдан иборат (1сонидан 15сонигача бўлган) 15 та ер участкалари. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси – 37 000 сўмдан.

3. Мирзачўл тумани, Ержар МФЙ ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун 400 кв.м ва деҳқон хўжалиги юритиш учун 200 кв.м, жами ҳар бири 600 кв.мдан иборат (1-2-сонли) 2 та ер участкалари. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 69 500 сўмдан.

Савдо 2015 йил 27 апрел куни «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилоят филиали биносидаги мажлислар залида соат 10:00дан бошлаб ўтказилади. Буюртмаларни қабул қилиш мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2015 йил 24 апрел куни соат 18:00.

Мазкур ер участкалари 2015 йил 27 апрел куни сотилмаган тақдирда ер участкаларининг такрорий савдолари 2015 йил 27 май, 29 июн ва 29 июл кунлари «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилоят филиали биноси мажлислар залида соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Такрорий савдолар учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 27 майдаги савдо учун 2015 йил 26 май куни соат 18:00. 2015 йил 29 июндаги савдо учун 2015 йил 26 июн куни соат 18:00. 2015 йил 29 июлдаги савдо учун 2015 йил 28 июл куни соат 18:00. Савдога қўйилган ер участкалари билан Мирзачўл туман ҳокимлиги вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан ер участкасига бўлган ҳуқуқларни бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, АТИБ «Ипотека-банк» Жиззах вилоят ф-лидаги: 22626000804920609001, МФО: 00122, СТИР: 207122519 х/рга тўлашлари шарт.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 20 (йигирма) кун муддат ичида ерга бўлган ҳуқуқни тасарруф қилиш шартномасини имзолаш шартлари юклатилади. тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 20 фоизидан кам бўлиб қолган тақдирда, етишмаётган миқдорини шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Закалат тўғрисидаги келишув имзолангандан сўнг талабгор савдо ташкилотчисига аукцион савдоси ўтказиш тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан бирга тақдим этадилар: -Ўзбекистон Республикаси фуқароси-паспорти нусҳаси; -хорижий юридик шахслар-уларнинг уставини белгиланган тартибда легализация қилинган нусҳаси; -хорижий фуқаролар-чет давлат миллий ёки дипломатик паспорт; -Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар-яшаш гувоҳномаси нусҳаси; - закалат пулини тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусҳаси.

Буюртманомалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 39-уй. Тел:. (0-372) 222-34-16. www.1kms.uz. Лицензия: RR 0001. Хизматлар лицензияланган.

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладанчет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

1. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Қорасувбўйи кўчаси 5-"А" уй манзилида жойлашган гараж бино-иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:

Бино ва иншоотларнинг эгаллаган майдони — 903,44 кв.м.

Бошланғич нархи — 1 105 374 131 сўм 23 тийин.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.

Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, 8 март кўчаси 57-"А" уй манзилида жойлашган бино-иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:

Бино ва иншоотларнинг эгаллаган майдони — 3326 кв.м.

Бошланғич нархи — 2 707 941 763 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.

Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

Савдо ташкилотчиси: "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй. Тел.: факс: (0-371) 228-84-48. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2015 йил 4 май куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А"уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 18 май, 1,-15, 29 июн, 13-,27 июл, 10-,24 август, 8-,22 сентябр, 7 октябр кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А"-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ва эълонлар

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент минтақавий филиали тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштириладиган савдога таклиф этади!

Савдога ТИФ "Миллий Банк" Тошкент вилоят бўлимининг 2015 йил 20 мартдаги AU-11/1502 сонли буюртманомасига асосан, ТИФ "Миллий Банк" Тошкент вилоят бўлимига тегишли, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани Янгиовул ҚФЙда жойлашган, бириктирилган ер майдони 0.21 га тенг бўлган, бир қаватли, бузоқхона, чорвадорлар уйи, бостирма ва молхонадан иборат кўчмас мулк қўйилмоқда (чорвачилик фермаси). Бошланғич баҳоси — 310 480 000 сўм.

Савдо 2015 йил 28 апрел куни соат 11:00да бўлиб ўтади. Буюртмалар 2 нусхада расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Савдода қатнашиш учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2015 йил 27 апрел куни соат 16:00.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2015 йил 28 апрел куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 1-,6- ва 11 май кунлари соат 11:00да ўтказилади. Буюртмаларни қабул қилиш: 2015 йил 1 майдаги такрорий савдо учун 30 апрел куни соат 16:00; 2015 йил 6 майдаги такрорий савдо учун 5 май куни соат 16:00; 2015 йил 11 майдаги савдо учун 8 май куни соат 16:00да тўхтатилади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 20 (йигирма) кун муддат ичида кўчмас мулкларга бўлган ҳуқуқни тасарруф қилиш шартномасини имзолаш ва мулк учун тўловларни савдо кунидан бошлаб 60 (олтмиш) ой мобайнида тўлиқ амалга ошириш шартлари юклатилади.

Талабгорлар савдо кунига қадар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 2 (икки) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги 2020 8000 4049 2060 9021, МФО 01036, СТИР 207122519 х.р.га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А" уй. Тел.:/факс: (0371) 228 78 96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001. Хизматлар лицензияланган.

ТУЗАТИШ!

"Ishonch" газетасининг 2015 йил 3 мартдаги 29(3534)-сонида "Navoiy mulk markazi" томонидан берилган хабарномадаги 2015 йил 7 апрел кунига белгиланган аукцион савдосида қўйилган давлат белгиси 85 853 НАА бўлган "ЗИЛ-ММЗ-555" автомашинасининг давлат белгиси 85 772 НАА деб ўқилсин.

Навоий шаҳар Жасорат (П.Очилов) кўчаси 24-уй. Тел: 0 (436) 22-4-64-31. www.rmm.uz. Гувоҳнома 1605. Хизматлар лицензияланган.

Открытое акционерное общество Узбекско — Российское совместное предприятие «PIGMENT» (ОАО СП «PIGMENT»), расположенное по адресу: г.Ташкент, Юнусабадский район, ул. Минг-Урик, 9 (ИНН 204059614), зарегистрированное 31 мая 2002 года Министерством юстиции Республики Узбекистан (адрес: 100047, г.Ташкент, ул. Сайилгох, 5), свидетельство о государственной регистрации №4 (167) от 31.05.2002г., ЛИКВИДИРУЕТСЯ решением общего собрания акционеров № 1/2015 от 25.03.2015г. Заявления с требованиями кредиторов принимаются в течение 2-х месяцев со дня публикации данного объявления. (+99871) 244-22-34.

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси кенгашнинг меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича бош мутахассиси Дилдора Ҳошимовага волидаи муҳтарамаси

ДИЛБАР аянинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

2015-yil 28-mart, shanba, № 40 (3545), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Тадбир

Ўлкамизга баҳор сепини ёймоқда. Дарахтлар гулга бурканиб, қир-у адирлар кўм-кўк либос кийган. Кўклам ўз тароватини намойиш этаётир. Шундай сурурли дамларда ҳар бир гўшада Наврўз байрами нишонланмоқда.

Баҳор таомлари

Наврўзи оламни таҳририятимиз жамоаси ҳам кўтаринки руҳда нишонлади. Ходимлар ўртасида «Баҳор таомлари» танлови ташкил этилди. Дастурхонга сумалак, пичак, кўк сомса каби турфа баҳорий неъматлар тортилиб, ҳар бири баҳоланди.

Байрам тадбирида таҳририят фахрийси, нашримизнинг тамал тошини қўйган журналист Тўлқин Қозоқбоев қатнашиб, жумладан, шундай деди:

— «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари барча соҳаларни қамраб олгани билан аҳамиятли. Айнан шунинг учун ҳам ушбу нашрларни ёшу қари бирдек севиб ўқийди. Кўриниб турибди, жамоа аҳил-иноқ. Газеталарнинг ўқишли чиқаётганида ходимлар ўртасидаги ҳамжиҳатликнинг ҳам ўрни алоҳида деб биламан. Уларга халққа маънавий озуқа улашишдек масъулиятли касбларида омад ёр бўлишини тилайман.

Ўз мухбиримиз

БИР-БИРИДАН ТОТЛИ

Йиғиб кўпчиликнинг бир жойга бошин,
Наврўз, тилакларни кўкламой қилдинг.
Қўшни ошимикин, халфана ошин —
Тортиб, дастурхонни тўкин, бой қилдинг.

Гарчи кўк сомсами, чучварами ё
Печак деб аталмиш неъмат, гулчечак —
Тансиқ бўлмаса-да биз учун, аммо,
Илк бор кўрган каби чаламиз қарсак!

Бир жойдан чиққани учун гапимиз,
Кўнгилдан кўнгил сув ичгани учун.
Ўхшар кенгайганга, ажаб, сафимиз,
Кўрсатмоқда, демак, кўкламой кучин.

Йиғиб жамоанинг бир жойга бошин,
Наврўз, тилакларни кўкламой қилдинг.
Қўшни ошимикан, халфана ошин —
Тортиб, дастурхонни тўкин, бой қилдинг.

Муҳаммад ЗАЙНИДДИН

Байрам нафаси

Юртимизнинг ҳар бир гўшасида Наврўз баҳона кўкламнинг тансиқ неъматлари — сумалак, кўксомса-ю ҳалим дастурхонга тортилмоқда.

Шукуҳли дамлар

Пойтахтимизнинг Яшнабод туманидаги "Тарновбоши" маҳалласи гузарида ўтган байрам тадбири ҳам эсда қоларли бўлди. Тўкин дастурхон атрофига йиғилган нуроний отахон-у онахонлар жаннатмонанд юртимизга асло кўз тегмасин, дея қўлларини дуога очди. Ёш спортчиларнинг турфа чиқишлари, санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқ ва рақслар йиғилганларга кўтаринкилик улашди.

— Тинчлигу хотиржамликка не етсин, — деди маҳалла фаоли Раҳим Умаров. — Маҳалладошларимиз ҳар қадамда унинг қадрига етиб, ўзаро аҳиллиқда яшаб келмоқда. Нимаики иш бўлса, биз нуронийлар билан бамаслаҳат амалга оширади. Бунинг меваси саранжомсаришталик, кўчалардаги озодаликда кўринади.

— Эллик йилдан ортиқ ёш авлод камоли йўлида меҳнат қилдим. Ҳозирда фарзандларим, невара-ю шогирдларим ҳурмат-этиборида яшаб келяпман, — деди маҳалла фаоли, «Шуҳрат» медали соҳибаси Озода Султонхўжаева. — Яқинда етмиш икки ёшни қаршиладим. Аллоҳга минг қатла шукур, шундай дориломон кунларга етказди. Наврўздек миллий байрамларимизни катта тантаналар билан нишонлаяпмиз. Қай томонга боқсангиз, юртимизнинг гуллаб-яшнаши, ёшлар камоли йўлида қилинаётган эзгу ишларга кўзингиз тушади. Буни истиқлол шарофатидан деб биламиз.

Тадбирда «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Қўчқор Эрматов, Тоҳир Шокиров, Санталат Пирматова, Мухтабар Турсунова, Муқаддас Назарова, Юлдуз Болтабоева каби маҳалла жонкуярлари барчани баҳорий айём билан қутлаб, эзгу тилаклар билдиришди.

С.АБДУРАҲМОНОВ

Ифтихор

Замонамиздан ўргилай. Ҳар қадамда янгилик. Ўзлигимизни таниб, ҳаётимизни янада фаровон қилиш иштиёқи кўнгилларга маёқ каби йўл кўрсатаётир. Айниқса, биз кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибордан бениҳоя шодмиз.

ТОҒ БАҒРИДА БОҒ

Сўнгги йилларда юздан ортиқ оила истиқомат қилувчи маҳалламизда катта ўзгаришлар юз берди. Мактаб, қишлоқ врачлик пункти, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо дўконлари хизмат кўрсатиб келяпти.

Халқимиз орасида "Яхшидан боғ қолади" деган ҳикматли нақл бор. Нафақага чиққач, бекор юришни ўзимга эп кўрмай, тоғ этагидаги адирликда кўркам боғ барпо этишни мақсад қилдим. Биласиз, боғ яратиш осон иш эмас, кўп меҳнат талаб қиладиган соҳа. Шунинг учун ишга астойдил киришдик, ҳудудни тошлардан тозалаб, ерни юмшатдик. 20 дан ортиқ турдаги мевали дарахтларни ўтқаздик. Бир-икки йилда боғимиз ҳосилга кирди. Йилдан-йилга ҳосилдорлик ошиб бораяпти. Эндиликда боғни кенгайтириш тараддудидаман.

Имкон топсангиз, боғимизга келинг, ширин-шакар мевалардан татиб кетасиз.

Муҳиддин ҲАЙДАРОВ,
меҳнат фахрийси.
Нурота тумани

УзА сурати

Оз-оздан ўрганиб

Гўё арзимасдек, аммо...

Қабулимга келган аёл шикоят қилиб қолди:

— УЗИчиларга ҳам ҳайронман, икки марта кўрикдан ўтдим: икки хил натижа.

Хулосаларни қўлимга олдим. Ундан биринчи ва иккинчи текширувларга қачон, қандай шароитда тушганини сўрадим.

— Бунинг нима аҳамияти бор? — ажабланди бемор.

— Аҳамияти катта. Барча УЗИ хоналарига кираверишда текширувга келишдан олдин қатъий амал қилиниши лозим бўлган чоралар ёзилган. Бу кўрсатмалар аниқ ва тўғри ташхис қўйишни таъминлайди.

Дарҳақиқат, тиббиёт ҳамма жараёнларга эътиборли бўлишни талаб қилади. Аввалам-бор, бирор таҳлил топшириш зарурати туғилса, биз врачлар, беморга аналитик даврга риоя қилиш кераклигини содда ва аниқ қилиб тушунтиришимиз керак. Бу ташхис қўйишда ва тавсия қилаётган препарат меъёрини тўғри белгилашда жуда муҳим. Акс ҳолда, нотўғри тавсия бемор ҳаётида салбий оқибатга олиб келиши мумкин.

Зуҳра РАҲИМОВА,
Хоразм вилоят скрининг маркази касаба уюшма қўмитаси раиси

Спорт оламида

Муай-тай

Бангкок (Таиланд) шаҳрида муай-тай бўйича талабалар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати якунига етди.

БОБУР — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Элликка яқин мамлакатдан сара тайбоксчилар иштирок этган мусобақада ҳамюртларимизнинг барчаси ўз вазн тоифаларида совриндорлар сафидан жой олишди. 63,5 кг. вазн тоифасида рингга кўтарилган Бобур Тоғаев барча рақибларини енгиб, талабалар ўртасида жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Финалга қадар мағлубиятсиз йўлни босиб ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпиони Жаҳонгир Йўлдошев (54 кг.), Илҳомжон Рустамов эса 60 кг. вазн тоифасида кумуш медал соҳибига айланишди.

Батутда сакраш

Голландиянинг Алмере шаҳрида трамполин (батутда сакраш) бўйича «Flower Cup — 2015» халқаро турнири ўтказилди.

ОЛТИН МЕДАЛ

Ўзбекистон, Канада, АҚШ, Аргентина, Германия, Франция, Полша, Словакия, Озарбайжон, Қозоғистон каби спортнинг ушбу тури кенг ривожланган давлат вакиллари иштирокидаги мусобақа ҳамюртимиз Анна Каспарян учун омадли келди, у олтин медалга сазовор бўлди.

Бадиий гимнастика

Франциянинг Тье шаҳрида ўтказилган Гран-при турнирида тасма ёрдамида машқ бажариш бўйича ўтказилган жамоавий баҳсларда вакилларимиз 16.400 балл тўплаб, учинчи ўринни эгаллашди.

МУНОСИБ ИШТИРОК

Ушбу йўналишда Украина терма жамоаси 16.550 балл билан биринчи, 16.450 балл жамғарган испаниялик гимнастикачи қизлар эса иккинчи погонадан жой олишди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
"Ishonch" мухбири

Сўраган эдингиз

Савол: Келиним олий ўқув юртида шартнома асосида ўқийди. Шартнома пули талабанинг қайнота-қайнонаси томонидан тўланса, уларга нисбатан солиқдан имтиёз бўладими?

Н.ХОЛБОЕВА,
Наманган шаҳри

Менга солиқдан имтиёз борми?

Жавоб: Солиқ кодексининг 22-моддасига мувофиқ, оила аъзолари деганда эр (хотин), ота-оналар ёки фарзандликка олувчилар ва болалар, шу жумладан, фарзандликка олинганлар назарда тутилган.

Солиқ кодексининг 179-моддасида назарда тутилган жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромадлари таркибига фуқароларнинг иш ҳақи ва бошқа даромадларининг Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтириладиган суммалари киради.

Шунингдек, Адлия вазирлигида 2010 йил 27 майда 2107-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 1-бандида Солиқ кодексига мувофиқ 2010 йил 1 январдан бошлаб фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олишга (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган ўз фарзандларининг таълим олиши учун) йўналтириладиган суммаларига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинмаслиги белгиланган.

Орифжон БОЙБОЕВ,
Наманган вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Оилавий бизнес

Тадбиркорликка қўл уриб, кам бўлганимиз йўқ. Замонавий технологиялардан фойдаланиб, бизга ажратилган 1 гектар майдонда барпо этилган иссиқхонада мева, сабзавот етиштириш билан бир қаторда турфа гул кўчатлари ҳам парваришлаяпмиз.

Жумладан, ўтган йил 120 тонна помидор, 75 тонна бодринг ҳосили олишга эришдик. Гул кўчатларимиз

ДАСТУРХОНИМИЗ НЕЪМАТЛАРГА ТЎЛСИН

ҳам харидорларга манзур бўлаётир.

Асосий юмуш ўзимиздан ортмайди. Лекин иш кўлами кенгая боргани сайин қўшимча иш кучига эҳтиёж сезилмоқда. Шундан келиб чиқиб, мавсумда 10 нафар ёшларни ишга жалб этдик.

Тўғри, иссиқхонада маҳсулот етиштиришдан кўра даланинг меҳнати осонроқ. Аммо дастурхонимиз тўрт фаслда ҳам неъматларга тўлсин, деймиз-да...

Ўктам ШОМУРОДОВ,
"Era Navoiy trading" МЧЖ раҳбари

Мулоҳаза

Уятдан қизарган ёноқлар

"Оммавий маданият" нима ўзи? Унга ўзимиз билмаган ҳолда эргашиб, миллий маданиятимизни унутиб қўймаяпмизми?

Баъзан атрофга назар солиб, уятдан ёноқларинг қизаради. Ҳар қадамда алмойи-жалмойи кўйлаклардаги қизларни учратасан. Отаонаси ёки ғурури тоғдан баланд ака-укаси қаёққа қарашаётир?

Яқинда таниқли бир эстрада хонандасининг концерт дастури бўлди. Ўша кунлари зал ёшлар билан гавжум бўлди. Концерт ажойиб ва қизиқ воқеаларга бой бўлди. Бироқ қўшиқлари севиб тингланадиган хонанданинг кийими барчани ранжитди. Бу билан у "оммавий маданият"ни тарғиб қилмадимикан, деб ўйлаб қоласан, киши.

"Оммавий маданият", унга қарши нималар қилишимиз лозимлиги ҳақида баъзи юртдошларимизнинг фикрлари билан қизиқдик.

Дилобар Баҳромова, мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси:

— Ўзбек халқи бой маданиятга эга халқ. Бизни бошқа миллатлардан ажралиб турадиган жиҳат ҳам шу. Шунинг учун устозлар ва эл назарига тушган инсонлар чиройли кийиниши, гапириши, тўғри йўлга бошлаши ва шу тариқа бошқаларда яхши таассурот қолдириши керак. Шундагина, ёшлар "оммавий маданият" таъсирига тушиб қолмайди.

Фарҳод Умаров, ЎзМУ ўқитувчиси:

— Бугунги ривожланган ахборот технологиялари асрида ҳар қандай хабар, янгилик қисқа фурсатда бутун дунёга тарқалмоқда. Асосий мақсади иқтисодий томондан бойиш ва миллатни маънан заҳарлаш бўлган "оммавий маданият" ижодкорлари бундан фойдаланиб қолишаётганини кўриб турибмиз. Уларга қарши таъсирчан чоралар кўрмаслик охир оқибат ачинарли ҳолга олиб келиши мумкин.

Шоҳсанам Хидирова, ЎзМУ ўқитувчиси:

— "Оммавий маданият" бугун ёки кеча пайдо бўлган эмас. Бу маданият аввалдан бор бўлиб, маълум мақсадларда ҳаракатланади. Ўз навбатида, биздан ҳушёрлик ва огоҳлик талаб этилади.

Жисмонан бақувват, маънан соғлом ёшлар ҳеч қандай қўштирноқ ичидаги маданият домига илинмайди.

Зайнура ТОШМУРОДОВА

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev (mas'ul kotib v.b.)

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar: Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 228-13-00; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev

Navbatchi: U.Ibodinov

Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti — 21:10
Topshirildi — 22:30

E-mail:xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 315 | 20844 nusxada bosildi | 1 2 3 4 6